

Барчани йиғлатган азон



09:07 / 11.09.2023 3210

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқул Аълога интиқол қилганларидан сўнг Билал розияллоҳу анҳу Мадинада тура олмай, Шом тарафларга бош олиб кетадилар.

Кунларнинг бирида тушларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрадилар. У зот алайҳиссалом ҳазрати Билалга «Бу қандай жафо бўлди, эй Билал?!» дедилар. Уйқусидан йиғлаб уйғонган Билал Мадинага, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаларини зиёрат қилгани келадилар.

Шунда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Билал розияллоҳу анҳудан азон чақиршни илтимос қиладилар. Ҳазрати Билал у кишига узр айтиб, «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам борликларида азон чақириб бўлиб, севикли Ҳабибимнинг уйлари олдига келиб, «Намоз вақти бўлди, эй Аллоҳнинг Расули!» дердим. Энди азон чақириб бўлиб, бу сўзни қандай айтаман?!» дедилар.

Шу пайт имом Ҳасан ва имом Ҳусайн розияллоҳу анҳумо келиб қолишди. Ҳазрати Билал розияллоҳу анҳу уларни кўриб, хурсанд бўлдилар ва икковларини бағриларига босиб, йиғладилар. Чунки улардан севикли

боболарининг хидлари келар эди. Улар Билол розияллоҳу анҳудан азон чақириб беришни илтимос қилишди. Ҳазрати Билол жаннат йигитлари саййидларининг бу илтимосларига йўқ дея олмадилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида азон чақирадиган жойларига чиқиб, азон чақира бошладилар.

АЛЛОҲУ АКБАР АЛЛОҲУ АКБАР.

Мадина шовқинга тўлиб кетди.

АЛЛОҲУ АКБАР АЛЛОҲУ АКБАР.

Одамлар уйларида туриб қичқирдилар, мана бундай деб дод солдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайта тирилдиларми?»

Чунки бу азон, бу овоз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидагина эшитилар эди.

АШҲАДУ АЛЛАА ИЛААҲА ИЛЛАЛЛОҲ
АШҲАДУ АЛЛАА ИЛААҲА ИЛЛАЛЛОҲ

Одамлар уйларида masjid тарафга қараб югуриб кела бошладилар. Йўлда келар эканлар, бир-бирларидан «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайта тирилдиларми?» деб сўрардилар.

АШҲАДУ АННА МУҲАММАДАР РОСУЛУЛЛОҲ

Шу ерга келганда буюк муаззиннинг томоқларига нимадир тиқилдию азонни давом эттиролмадилар. Турган жойларидан пастга тушдилар.

Ровийларнинг айтишича, Мадина шаҳри ўша кундагидек бирор марта йиғи ва фарёд садоларига тўлмаган экан.

Бу йиғи соғинч ва муҳаббат кўз ёшлари эди. Севикли Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган муҳаббат...

Али Жифрий ҳафизахуллоқ суҳбатларидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.